

»» А. Яссавий номидаги вилоят китобсеварлар клубида

# ЎҚИГАН ЎЗАР



Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари, "Ўлес" хайрия жамғармаси раиси Райимжон Қўқороннинг ташаббуси билан ташкил этилган А. Яссавий номидаги китобсеварлар клубида қирқ еттинчи машғулот ўтди.

Клубда ташкил этилган "Туркистон", "Қорачиқ", "Чипон", "Сувнок" гуруҳларидаги ашадий китобсеварлар ҳар шанбада уюштирилаётган беллашувда ҳақамлар ҳайъатининг саволларига жавоб бериб, натижаларига кўра рағбатлантирилиб, муқофотлар билан тақдирланади. Беллашув тест топшириш, савол-жавоб, гуруҳ билан бамаслаҳат ўқилган китобни таҳлил қилиш каби босқичлардан иборат.

Жорий йили Давлатимиз раҳбари Туркистон шахрига маънавий пойтахт мақомини беришни топширди. Ҳар йили беш миллиондан зиёд сайёҳ зиёратчилар ташриф буюрадиган Туркистон шахри аҳолиси тарих, маданият, маънавият, китоб мутолааси масаласида барчага ўрнатилган даркор.

Асосий мақсад ёшларни саводхонликка, Ислоҳ дини, тарихимиз, маданиятимизни теран ўргатишдан иборат. Айни пайтда савол-жавобларни ташкил этишда ўқиган китобларимиздан ташқари "Жанубий Қозоғистон" газетасида чоп этилаётган турфа қизиқарли мақолалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Таниқли, ўз касбининг устаси

бўлган зиёли ҳамшаҳарларимиз билан учрашиш аънанаси давом этмоқда. Яқинда малакали шифокор-кардиолог, айни пайтда Германия давлатида меҳнат фаолиятини давом эттираётган, асли туркистонлик Аҳмадjon Воҳидjon билан учрашиб, суҳбатда бўлди. Аҳмадjon Арзиматxon ўғли китобсеварлар клуби аъзолари, унинг ташкилотчиси Райимжон Саттор ўғлига самимий ниётларини изҳор этиб, келажақда ўз номидан клубга янги китоблар туҳфа қилишни ваъда қилди.

... Бугун кунт билан китоб ўқиган бир бола эртага телевизор кўриб ўтирган ўн болани бошқариши мумкин. Фарзандларингизни, барчани китоблар олампидан баҳраманд бўлишга қақирамиз.

**Гўзал ЭРМАТОВА,**  
**А. Яссавий номидаги**  
**Китобсеварлар клубининг**  
**"Туркистон" гуруҳи аъзоси.**  
Суратда: учрашувдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ: КЕНГ ҚАМРОВ, ЧЕКСИЗ ИМКОНИАТЛАР



**Аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда эртанги кун эгаларининг ҳаётда ўз ўрнини топшиш учун муносиб шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилаётган давлат сиёсати ҳақли равишда жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда.**



Заковат салоҳияти юксак, ўз қатъий нуқтаи назарига эга, юртда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳисси биз яшаётган, серғайрат, ватанпарвар йигит-қизлар мамлакатимиз тарақиётида муҳим ўрин тутлади. Жаҳон андазалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрларни тайёрлаш бевосита ўқитиш тизимининг қандай ташкил этилганига боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимини ислоҳ қилиш, халққаро андоза ва замонавий талаблар асосида етуқ мутахассислар тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жумладан, олий таълимнинг барча босқичларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш ва замонавийлаштириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар, аввало, инсонни улуғлаш, сифатли ва мазмунли таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, шунинг баробарида жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Холис баҳолайдиган бўлсак, бундан атиги 3-4 йил олдин битирувчиларнинг атиги 9 фоизгина олий таълим билан қамраб олинган, ўтган йили бу рақамлар 30 фоиздан ошди, жорий йилда эса янада ортиши кутилмоқда. Давлат тасарруфидаги ОТМлар сони кўпайди, филиаллари очилди, бундан ташқари, хусусий университетлар ташкил этилмоқда. Натижада олий таълим муассасалари ўртасида рақобат кескин кучайди. Дастлаб абитуриентларга бирданига 5та ОТМга бир таълим шакли бўйича ҳужжат топшириш имкони яратилган бўлса, жорий йилдан эътиборан таълим шаклини (кундузги, кечки, сиртки, масофавий) ҳам эркин танлашга руҳсат берилди. Бу эса ишлаб чиқаришдан ажралмай ўқиш истагида бўлган ёшлар учун айни мудоао бўлди.

Ўз навбатида Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида ОТМларда инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш, имкониёт чекланган ёшлар учун алоҳида шарт-шароитлар яратиш, улар жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун аниқ дастак асосида иш олиб боришни ҳам ўз зиммасига олган.

Бу жиҳатдан ҳам қилинган ишлар анча салмоқли, жумладан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мисолида оладиган бўлсак, ёш олимпиада Мунаввара Қўрбонова рақабатлигида сунъий заковат асосида биринчи ўзбек нуқт синтезатори яратилди. Дастур кўзи ожизларга ўзбекча матн билан ишлаши учун мўлжалланган. Кўп бадий китобларнинг аудио нусхалари бор, лекин ўқув қўлланмаларни аудио ёки кўзи ожизларга мўлжаллаб чоп этилган нусхалари деярли йўқ ҳисоби. Баъзи илмий китобларни Брайл алифбосида чоп этиш учун жуда кўп маблағ керак бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ёшларни рағбатлантириш, интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар сони ва сифати йилдан йилга ортиб бормоқда. Энг муҳими, ана шундай амалий ишларимиз тўғрисида юзлаб ёшлар кўплаб жабҳада юқори марраларни забт этиб, юртимиз доврғини дунёга таратишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Олий таълимга талаб ва тақлифнинг ўсиб бориши натижасида биз узоқ кутган соҳадаги соғлом рақобат муҳити ҳозирданок яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, кўплаб ОТМлар томонидан республикадаги ва хориждаги умумтаълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаблар, нуфузли ака-

демик лицейларнинг битирувчилари учун таълим кўргазмалари, очиқ эшиклар кунни, тарғибот тадбирлари ўтказилляпти. Мақсад – иқтидорли ёшларни ўз таълим даргоҳига кўпроқ жалб қилиш, муваффақиятли талабалар контингентини шакллантиришдир. Тўғри, бу осон ва тез эгалланадиган марра эмас. Аммо ўтган етти йил ҳар қандай муаммони ҳал этиш, бирликда ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкинлигини кўрсатди. Шу маънода ана шу давр Ўзбекистон тарақиётида ҳаракатлар ва ўзгаришлар даври сифатида тарихга муҳрланди. Умид қиламизки, жорий йилда ҳам энг билимли, энг ҳаракатчан, энг иқтидорли ёшлар олий таълим муассасалари талабаси бўладилар ва келгусида яхши натижалар қайд этиб, давлат ва жамиятнинг барча бўғинларида самарали фаолият кўрсатадиган етуқ мутахассисларга айланадилар.

Бугун хорижликларнинг Ўзбекистонда таълим олишга қизиқишлари ҳам ортмоқда. Биргина Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзида 400 га яқин хорижлик талаба таҳсил олади. Улар орасида Қозоғистон, Туркия, Корея, Афғонистон сингари мамлакатлар фуқаролари бор. Магистратурада таълим олаётган талабаларимиз учун масофавий ўқитиш шакли ҳам синов тариқасида жорий этилган эди. Қозоғистонлик 34 нафар магистрант икки йил давомида масофавий таълим олди. Юқори сифатда ташкил этилган таълим жараёнидан талабаларимиз мамнун бўлишди ва ўз магистрлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, магистр-академик даражасига эга бўлдилар.

Биз келгусида ҳам хорижлик талабаларимиз учун таълимнинг аънанавий ва масофавий шакллари тақлиф қилишни режалаштирялмиз. Бу йил ҳам яна кўплаб хорижлик талабаларни қабул қилишга тайёрмиз.

**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,**  
**Алишер Навоий номидаги**  
**Тошкент давлат ўзбек тили ва**  
**адабиёти университети**  
**ректори, филология фанлари**  
**доктори, профессор.**

»» Хотира – муқаддас, қадр абадий

# ҚОРАЧИҚЛИК ИРИСҚУЛ АКА

Мақоламиз Қорачиқ қишлоғида таваллуд толган Ирискул Айтметовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланади. Ҳуқуқшунослик ихтисослиги бўйича олий маълумот олган, қишлоқ кенгашига, ширкатга раҳбарлик қилган, мустақиллик йилларида туман судида ҳакам ҳам бўлиб ишлаган.

ҳозир текшириб кўрамиз", деб йўл чеккасига тўхтади. Рўлдан тушиб, анча олисда турган полиция ходимига "Бу ёққа кел, иним" деб хитоб қилди. Баланд бўйли, кенг яғринли, бошида шляпаси бор Ирискул аканинг ўқтам овоздаги мурожаати икки марта такрорланди... Учунчисига етмай, полициячи ўзи учун бирор



кўнгилсизлик рўй бериши аниқлигини сезиб... автомашинасига ўтириб, жуфтакни ростлади... Унинг автомашина тўхташига ҳужжати йўқ, шундай бўлса ҳам, бу ишга қўл уриб, ноқонуний даромадни кўзлагани маълум бўлди.

Ирискул ака 1990 йили Туркистон шахридаги темирйўлчилар клубида халқимизнинг фидойи фаоллари Эркин Жўрабеков, Эрناзар Рўзиматов, Одил Олимов, Олимжон Муҳаммаджонов, Ҳабибулла Раҳматуллаев каби кўплаб ҳимматли инсонлар билан шаҳар ўзбек этномаданият марказини ташкил этишда иштирок этди. Ёзувчи, шоир Эрназар Рўзиматов шаҳар ўзбек маданият марказига раис этиб сайланган йиллари Туркистонда халқимизнинг аския санъатини ривожлантириш учун ёрдам сўраб, Қорачиқ қишлоғидаги ширкат раиси Ирискул акага мурожаат этганимиз ёдимда. У пайтлари шаҳар ва туман ҳокимлиги битта бинода – ҳозирги Есимхан хиёбони ёнида жойлашган. Ирискул ака ҳокимликдаги йиғилишдан чиқиб келаётган ҳамкасблари – Абдужаббор Шаропов, Тўхтош Мамаев, Отабой Фармонқуловларни бир сония тўхтатиб, шу маънавиятга оид масалаларга эътиборларини қаратди.

Ирискул ака шаҳар ўзбек этномаданият ташкил этишда иштирок этди. Ёзувчи, шоир Эрназар Рўзиматов шаҳар ўзбек маданият марказига раис этиб сайланган йиллари Туркистонда халқимизнинг аския санъатини ривожлантириш учун ёрдам сўраб, Қорачиқ қишлоғидаги ширкат раиси Ирискул акага мурожаат этганимиз ёдимда. У пайтлари шаҳар ва туман ҳокимлиги битта бинода – ҳозирги Есимхан хиёбони ёнида жойлашган. Ирискул ака ҳокимликдаги йиғилишдан чиқиб келаётган ҳамкасблари – Абдужаббор Шаропов, Тўхтош Мамаев, Отабой Фармонқуловларни бир сония тўхтатиб, шу маънавиятга оид масалаларга эътиборларини қаратди.

Уша осон кечмаган йиллари меҳмон кутишнинг ўзи муаммо эди. Раислар И. Айтметовнинг даввандан сўнг ташкилий ишга киришди. Ҳар бир қишлоқда аскиячилар машғулотлари уюштирилди. Сайрам туманидаги ҳамкасбимиз, Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида биз билан бирга таҳсил олган Абдураҳим Пратовнинг ташкилий кўмаги кўп бўлди. Бир йилдан сўнг туркистонликлар ташаббуси билан вилоятимиз аскиячилари Эскиқон қишлоғидаги минг кишига мўлжалланган Маданият уйида учрашиб, ажойиб ва қизиқарли беллашув ўтказишди. Эскиқонлик сўз устаси, шифокор Эргаш Маннотов раҳбарлик қилган Туркистон шаҳар аскиячилар терма жамоаси сафида Миная Алиев, Гамлет Ғайбуллаев ҳамда Ирискул Айтметов бор эди... Яна бир йилдан сўнг Сайрамдаги вилоят ўзбек театри бинасида ўша кездеги вилоят ҳокими Бўлат Жилқишиев шаҳсан иштирок этган Қозоғистон, Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон давлатлари аскиячиларининг халққаро танлови юксак даражада ўтди... Орадан яна икки йил ўтиб, Туркистондаги А. Яссавий номидаги Мақорат қозоқ-турк университети Даданият саройида Баҳодир Ирисметов, Эркин Жўрабеков, Ирискул Айтметовлар ташкилотчилигида халққаро аския танлови юксак даражасида бўлди. Агар ўша оғир йиллари Ирискул ака бизнинг давъатимиз билан шу ишга ҳамкасбларининг эътиборини қаратмаганида, маънавиятга қамарбаста бўлмаганида, балки, аския халққаро даражага кўтарилмасди.

Совет Иттифоқи тарқатила бошланган, ҳали кўп нарса мавҳум бир паллада Шимкент шаҳридаги улкан корхонанинг Маданият саройида турли соҳаларда меҳнат қиладиган вилоят зиёлилари – раҳбар ходимларининг йиғилиши ўтди. Унда Қозоғистон раҳбари Н. А. Назарбаев ҳам иштирок этди. Танлаш чоғида Н. Назарбаев ўша пайтдаги вилоят раҳбари С. Терешченко билан масала муҳокамаси устида суҳбатлашиб, дахлзда туришганида Ирискул Айтметов уларга яқинлашиб, саломлашди. Саломга алиқ олинган, Ирискул Айтметов дарҳол мудоаога кўчиб, Жанубий Қозоғистон ўзбеклари учун ўзбек тилида газета ва телевидение масаласи кўп йиллардан бунён айтилиб келаётган бўлишига қарамай, ҳал қилинмаётганини баён этиб, муаммони ҳал қилиш беришни сўранди. Н. Назарбаев тажрибали раҳбар сифатида Ирискул аканинг тақлифларини диққат билан тинглаб, деди: – Газетани ҳал қилиб берамиз, телевидениени эса ўйлаб кўришимиз керак.

1991 йили апрелидан бошлаб "Дўстлик байроғи", бугунги "Жанубий Қозоғистон" нашри чоп этила бошлади. Ирискул ака қадрдон газетамизнинг барча анжуманларида иштирок этиб, обунасига ҳам муносиб ҳисса қўшганлигини улкан эҳтиром билан эътироф этамиз. Табиатан жиддий, талабчан раҳбар бўлган Ирискул ака анжуманларда халқимизнинг нодир дурдоналари, хусусан, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур ғазалларига бастанланган қўшиқлар маромига етказилиб, ижро этилган чоғида беихтиёр кўзига ёш келганини бир неча бор кузатганман. Она тили, халқининг маданияти, санъати, маънавиятига эътибор, ҳурмат, эҳтиром ифодасининг белгиси бўлса керак бу.

... Туркистон шахри ҳокими Қайрат Мўлдасеитов Қорачиқ қишлоғидаги ҳисоботи чоғида Ирискул ака қишлоқ ўзбек халқ театри бинаси тоmidан чакка ўтаётганини айтиб, ёрдам сўраган эди. Келгуси йили шаҳар ҳокими театрни таъмирлашга маблағ ажратиб, томини тўлиқ янгилаб берди. Бу каби мисоллар жуда кўп...

Ш. МАДАЛИЕВ.

**P.S.** Бугун орамизда йўқ бўлса ҳам, маънавиятга, халқимизнинг она тили, маданияти, тарихи соҳасига жонқуяр бўлиб, муносиб ҳисса қўшган ҳуқуқшунос Ирискул Айтметовнинг хотира-си уни билан ва ҳурмат қилган барча юртдошларимиз қалбида яшайди. Марҳумнинг охираати обод бўлсин.

<p><b>Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.</b></p> <p>Бош муҳаррир ўринбосарлари: <b>Муродjon АБУБАКИРОВ.</b> <b>Авазxon БУРОНБОВЕВ.</b></p> <p>Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.</p>	<p><b>Масъул шахслар:</b></p> <p>Туркистон, Кентов — Шомирза <b>МАДАЛИЕВ.</b> 8(72533) 2-40-07. Тўлғебий — Баҳорой <b>ДУСМАТОВА.</b> 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — Хуршид <b>ҚУЧҚОРОВ.</b> +7-701-447-37-42. Сайрам — Мухтабар <b>УСМОНОВА.</b> +7-701-257-97-36. Тулкнбош — Мунира <b>САЪДУЛЛАЕВА.</b> +7-747-144-60-71. Обуна, реклама ва эълонлар — Зокирjon <b>МУМИНЖОНОВ.</b> +7-702-278-96-90</p> <p><b>Қозоғистон Республикасида тарқатилади.</b></p>	<p>Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.</p> <p>«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларни тўғрилик учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. * Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.</p> <p>Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда руҳанга олинди. КЗ234УРУ0022503 сувоҳнома берилган.</p> <p>"ERNUR-print" МЧБ босмахонасида чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шахри, "Жаңа қала" кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. <a href="mailto:janubiy@inbox.ru">Зелскрон почта: janubiy@inbox.ru</a></p> <p>Нашир кўрсаткичи – 55466. Адади – 13010 нуска. Бўғорма 1914.</p> <p>Набатчи муҳаррир: Зокирjon <b>МУМИНЖОНОВ.</b></p>
---	---	---	--